

НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2022 йил март ойининг 7 куни, Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, суд биносида, очиқ суд мажлисида,

тарафлардан Навоий вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори Л.Сайфуллаев, судланувчи

жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг 2022 йил 10 январдаги ҳукмига нисбатан Конимех туман прокурори томонидан апелляция тартибида келтирилган протести ва хамда унинг химоячиси адвокат А.Абдуллаевлар томонидан келтирилган апелляция шикоятини асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, кўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг 2022 йил 10 январдаги ҳукмига кўра:

1991 йил 26 апрелда Навбахор туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар фарзандлари бор, Навбахор туманидаги 12-сонли ДТММда ҳамшира бўлиб ишлаган, муқаддам судланмаган, Навбахор тумани, “Келачи” маҳалла фуқаролар йиғини, “Лолазор” кўчаси 10-уйда яшаган, иш бўйича “қамок” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг ЖК 97-моддаси 2-қисми “в” банди билан 15 йил, ЖКнинг 134-моддаси билан 3 йил, ЖКнинг 25,173-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан 1 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Шарипов Бобомурод Ҳамдамбаевич билан қонуний никоҳ асосида оила қуриб, Навбахор туман, “Келачи” маҳалла фуқаролар йиғини, “Лолазор” кўчаси 10-уйда яшаб келиши давомида турмуш ўртоғи Б.Шарипов 2021 йил 1 август куни соат 02:30 ларда, яшаш хонадонига спиртли ичимликдан маст ҳолатда келиб, Ф.Шариповани уриб, ҳақоратлаган ва ётоқхонага кириб ухлашга ётганда судланувчи Ф.Шарипова турмуш ўртоғи Б.Шариповнинг



ҳаракатларидан жаҳли чиқиб, шу куни соат 09:30 ларда вояга етмаган фарзандлари Б.Ҳамдамбоева ва М.Ҳамдамбоевни олиб, Навоий шаҳри Х.Дўстлиги, 3-уй, 3-хонадонда яшовчи ота-онасининг уйига кетмоқчи бўлган пайтида вояга етмаган ўғли М.Ҳамдамбоев отаси Б.Шарипов билан бирга хонадон ётоқхонасида ухлаб ётгани сабабли, уни олиш учун ётоқхонага кирган пайтида, турмуш ўртоғи Б.Шариповнинг ухлаб ётганлиги боис, ўзини химоя қилишга, унга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслиги яъни, ожиз аҳволда эканлигидан фойдаланиб, уни қасддан ўлдиришни мақсад қилган ва Ф.Шарипова ушбу жиноий режани амалга ошириш учун фаол ҳаракатларга киришиб, ухлаб ётган вояга етмаган ўғли М.Ҳамдамбоевни полдаги кўрпача устидан хонадаги ётоқ мебелли устига олиб қўйиб, ўзи хонадон омборхонасида бўлган дастаси ёғочдан ишланган темир болтани олиб келган ва ушбу болта билан ётоқхонанинг полига тўшалган кўрпачада ухлаб ётган Б.Шариповнинг бўйин, бош чап чакка соҳалари, ҳикқилдоқ-ҳалқум тоғайлари, қизилўнғач тўқималарига бир неча марта такрорий зарбалар бериб, оғриқдан уйғониб, ўзини химоя қилиш мақсадида қўллари билан юзини тўсишга уринган Б.Шариповнинг иккала қўл бармоқлари оралиқларини ҳам темир болта билан чопишда давом этиб, Б.Шариповга калла чап чакка соҳаси чопилган жароҳати, шу соҳада чап чакка суягини ботикли синиши, бўйин соҳаси чап ён юзасидан кўплаб чопилган чуқур яралар, ҳикқилдоқ-ҳалқум тоғайлари, қизилўнғач тўқимаси тўлиқ чопилиши натижасидаги ўткир ташқи қон кетишида ифодаланган ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлар етказиб, уни қасддан ўлдирган.

Шундан сўнг, [REDACTED] содир этилган жиноят изларини яшириш, мурдани йўқ қилиш ва ушбу ҳолатга бахтсиз ҳодиса сифатида тус бериш мақсадида эғнидаги кўйлагининг чўнтагида бўлган гугурт билан Б.Шариповнинг мурдасини ва қайнотаси Х.Шариповга тегишли бўлган бозор баҳоси 138 млн. 333 минг сўмлик Навбаҳор туман, "Келачи" МФЙ, "Лолазор" кўчаси 10-уйни атрофдагилар учун хавфли бўлган усулда ёқиб юбориб, жиноят қуроли сифатида фойдаланган темир болтани хонадоннинг орқа тарафидан оқиб ўтувчи ариққа ташлаб юбориб, вояга етмаган фарзандларини ўзи билан бирга олиб, воқеа жойидан яширинган.

Шу куни соат тахминан 14:30 ларда Навоий шаҳридан қайтиб келган хонадон эгаси Х.Шарипов томонидан Навбаҳор туман, "Келачи" МФЙ, "Лолазор" кўчаси 10-уйда содир бўлаётган ёнғин ўчирилиши натижасида, [REDACTED] ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қасддан нобуд қилиш ва мурдани таҳқирлашдан иборат жиноий ҳаракатлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етмаган.

Протестда, суд, судланувчи [REDACTED] жазо тайинлашда ЖКнинг 50-моддаси талабларига риоя қилмасдан, нотўғри жазо тайинлангани ҳақида важлар келтирилиб, суд ҳукмини ўзгартириб, судланувчи Ф.Шариповага қонунга мувофиқ жазо тайинлаш сўралган.

[REDACTED] келтирилган апелляция шикоятда, биринчи босқич суди томонидан Шарипованинг ҳаракати ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми "в" банди билан



нотуғри квалификация қилингани ва ҳаракатларида ЖКнинг 134-моддаси ва 25,173-моддасида кўрсатилган жиноят таркиби мавжуд эмаслиги ҳақида важлар келтирилиб, суд ҳукмини ўзгартириб, жинойи ҳаракатини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” бандидан, ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиб, айбидан ЖКнинг 134-моддаси ва 25,173-моддаларини чиқариб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб енгил жазо тайинлаш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди раисининг ўринбосари

протестни қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартириш ва келтирилган апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан рад этиш ҳақидаги, судланувчи

ва протестни қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятидаги важларни ва протестда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

бўлса-да, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этишдаги айби, суриштирув ва тергов ҳаракатлари давомида тўпланган ҳужжатлар билан, жумладан, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова фотожадваллар ва кўздан кечириш жараёни видеотасвирлари туширилган 1 дона DVD диск, мурдани кўздан кечириш баённомаси ва илова фотожадваллар, суд-тиббий экспертизаси илмий амалий маркази Навбахор туман бўлинмасининг 2021 йил 11 сентябрдаги 33-сонли мурдага оид суд-тиббий экспертиза хулосаси, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд кимёвий экспертизаси марказининг 2021 йил 31 августдаги 10801-сонли экспертиза хулосаси, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг 2021 йил 8 сентябрдаги 10962-сонли суд ёнғин-техникавий экспертизаси хулосаси, Навбахор тумани ИИБ ЭКГнинг 2021 йил 10 августдаги 5-сонли суд-дактилоскопия экспертизаси хулосаси, ёғоч дастали болтани каналдан олиш ва кўздан кечириш баённомаси ва унга илова видеотасвир, воқеа жойидан олинган гилам парчаси, куйган ёстик, ёстик ғилофи, мато қирқмаси, аёллар кўйлаги, иштони, эркаклар кўйлаги, Республика суд-тиббий экспертизаси илмий амалий маркази Навоий филиалининг 2021 йил 7 сентябрдаги 64-сонли суд-биология экспертизаси хулосаси, 2021 йил 2 августдаги айбланувчи Ф.Шарипованинг кўрсатувларини ходиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати баённомаси, унга илова фотожадваллар, кўздан кечириш жараёнида олинган видеотасвирлар, дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда иш материалларида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топган бўлиб, қайд этилган далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Суд, содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланувчи Ф.Шарипованинг эълон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, судда текширилган далилларни судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам



оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг айби тасдиқлангани тўғрисида асосли хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарори раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, Ф.Шарипованинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди, 134-моддаси ва 25,173-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 8-бандида, айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди билан квалификация қилишда, ожиз ахвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги, жуда ёш ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳуш ҳолатда ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкохол, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши кераклиги қайд этиб ўтилган.

Судда психолог иштирокида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган вояга етмаган Б.Ҳамдамбоевнинг, 2021 йилнинг 31 июль куни онаси Ф.Шарипова ва укаси билан бирга Навоий шаҳрида яшовчи бобоси ва бувисини кўриш учун борганликлари, улар билан бирга яшовчи Ҳамдам бобоси ва бувиси ҳам Навоий шаҳрига қизларини кўриш учун келишганлиги, кейин кеч тушишига яқин тахминан соат 18:00да, бобоси уларни автомашинасида Навоий шаҳридан Навбахор туманидаги уйига олиб келганлиги, у, онаси ва укаси уйга келганида уйда ҳеч ким бўлмагани, кейин онаси уйда кирларни ювиб, овқат пишириб, уй ишлари билан шуғулланганлиги, шу пайти отаси кириб келиб, укаси Мухаммадаминни олиб қаергадир чиқиб кетганлиги, орадан тахминан бир соатлар ўтгач, отаси келиб Мухаммадаминни уйга қўйганлиги ва ўзи яна чиқиб кетганлиги, отаси келганида спиртли ичимликлар истеъмол қилганлиги, отаси Б.Шарипов уйдан чиқиб кетганидан кейин тунги вақтда кириб келганлиги ва онаси билан жанжал қилганлиги, у чарчагани учун ётоқхонада ухлаб қолганлиги, тунги вақтда уйғониб кетиб ташқарига чиққанида онаси овқат солиб отасига узатаётганлиги, қовун кесаётганлиги, кейин у, Мухаммадамин, отаси ва ойиси биргаликда қовун еганлиги, кейин у уйга кириб, онаси ва укаси Мухаммадамин билан биргаликда ётиб ухлаганлиги, эрталаб вақтли уйғонганида онаси ташқарида эканлиги, ўша вақтда қуёш энди чиқаётганлиги, онаси эски оёқ кийимларини кўриб, улардан бир нечта оёқ кийимларини олиб, унга биргаликда дўконга бориб, оёқ кийимларини таъмирлатиб келишни айтиб, биргаликда Бешрабод марказига борганликлари, борганида оёқ кийим таъмирловчи устахона ёпиқлиги, кейин онаси унга ўша ердаги бир дўкондан оёқ кийим олиб



берганлиги, кейин биргаликда уйга қайтганликлари, онаси унга бирор нарса айтмаганлиги, кейин уйга қайтганида ётоқхонада укаси Муҳаммадамин ва отаси ухлаб ётганлиги, кейин онаси гараждан болта олиб келиб ётоқхона уйига кириш эшиги олдига қўйганлиги, нимагалигини билмаганлиги, кейин уни ошхонага олиб бориб қовун кесиб берганлиги, у қовун еб ўтирганлиги, кейин тахминан ярим соатлар ўтганида онаси бирдан шошиб чиқиб келганлиги ва қўллари идишдаги сув билан ювиб, сувни ҳовлидаги томорқага тўкиб ташлаганлиги, “музқаймоққа кетамиз” деб у ичкарига кирмоқчи бўлганида қўймаганлиги, эшикдан қараса укаси ётоқхонада эканлиги, онаси шкафнинг тепасида ниманидир шошиб қидираётганини, уни кўриши билан онаси укасини қўлига маҳкам қучоқлаб олиб меҳмонхонага ўтказиб қўйганлиги, кейин онаси у ердан чиқиб ошхонада укасини кийинтираётган вақтида, уни шортиги уйда қолиб кетган эканлигини, ичкарига кириб ётоқхонага қараса, у ерда отасини хириллаб ётганлигини кўрганлиги, у қонни кўргани, ташқарига чиққанидан кейин кўрққанлиги сабабли онасига айтмагани, кейин онаси билан Саодат холасининг уйига борганлиги, онаси Саодат холаси билан тикув машинаси бор уйда гаплашганлиги, улар нима ҳақида гаплашганини эшитмаганлиги, чунки уларни алоҳида хонага ўтказиб қўйганлиги, кейин соат 12:30 ларда Саодат холаси кичик бобоси яъни онасининг отасига телефон қилганлиги, бу орада онаси отасининг телефонни олиб холасининг хожатхонасига бориб, телефонни ерга ташлаб тепганлиги, синмаганидан кейин хожатхона орқасига ерга қўмиб қўйганлиги, кейин йиғлаб ухлаб қолганлиги, кейин кичик бобоси келиб тикув машинаси бор хонада бироз онаси билан гаплашиб, уларни олиб машинада йўлга чиққанлиги, йўлда онаси ва бобоси гаплашиб онаси бобосига отаси билан уришиб қолиб, болтани унга отиб юборганлигини айтганлиги, кейин бобоси уларни Навоий шаҳридаги уйига олиб келганлиги, онаси у ерда йиғлаб, бобоси ва бувиси билан уришиб қолганлиги, уларга бўлган воқеани айтиб бергач, бувисининг соғлиғи ёмонлашганлиги, кейин катта бобоси (отасининг отаси) кичик бобосига телефон қилиб, отасининг вафот этганлигини айтгач, кичик бобоси онасини қаттиқ уришганлиги, кейин ИИБ ходимлари келиб онасини олиб кетишганлиги, кейин уларни ҳам терговга олиб келганлиги, дастлабки сўроқда кўрқиб кетиб, онасига ёмон бўлмасин, деб барча билганларини айтмаганлиги, унга онаси агар сўрашса, “болта ҳақида айтмагин” деб тайинлаганлиги, кейин аммалари ҳақиқатни, фақат ростини айтиб берса, онасига ҳам яхши бўлишини айтганлиги учун барча билганларини ростини гапириб берганлиги ҳақида кўрсатуви;

- судда психолог иштирокида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган вояга етмаган М.Ҳамдамбоевнинг, 2021 йилнинг 31 июль куни отаси спиртли ичимлик истеъмол қилиб, онаси билан жанжал қилганлиги, онасига сўкинганлиги, у бир ухлаб туриб қараган вақтида ота-онаси ҳалиям жанжал қилаётган эканлиги, отаси онасини ураётганлигини кўрганлиги, шундан сўнг у ухлаб қолганлиги, туриб қараса отаси билан бирга ётганлиги, кейин яна ухлаб қолганлиги, кейин турган вақтида ётоқхонада диванда ётган эканлиги,



отасига қараса ҳамма жойи қон бўлиб ётган эканлигини кўргани ҳақидаги кўрсатуви;

- судда гувоҳ сифатида сўроқ қилинган эксперт С.Ҳайдаровнинг, судланувчи Ф.Шарипова болта билан марҳумни ухлаб ётган жойида ургани, марҳум олган жароҳати сабабли қўли билан юзини тўсган вақтида, такрор урганлиги сабабли бармоқлари ҳам кесилиб кетгани, у хулосасида техник хато қилиб, марҳумни “тик ҳолатда” жароҳат олганини ёзиб техник хатога йўл қўйгани, кейин эса бу техник хатосини терговчига ҳам айтгани, бу олинган жароҳатлар тик ҳолатда олинган жароҳатларга тўғри келмаслиги, тик ҳолатда бундай жароҳатларни олиши мумкин эмаслиги, марҳумга биринчи берилган зарба кучли бўлгани, у судланувчи Ф.Шариповани ҳам экспертиза кўригидан ўтказгани, Ф.Шарипованинг оғиз қисмида жароҳат бўлмагани, тиши ҳам синмагани, марҳум Б.Шариповнинг қонида 1 промилл миқдорида этил спирти аниқлангани, бу енгил мастлик ҳолатига тўғри келиши ҳақидаги кўрсатуви, айнан жабрланувчи Б.Шарипов ухлаб ётгани ва судланувчига қаршилик кўрсатишга қодир бўлмагани ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олганидан далолат бериб, судланувчи Ф.Шарипованинг марҳум Б.Шариповни ухлаб ётган жойида болта билан чопмагани, турмуш ўртоғи маст ҳолатда унга болта билан ташлангани, у ўзини ҳимоя қилиш мақсадида турмуш ўртоғини итариб юборгани, турмуш ўртоғи йиқилиб тушиб, қўлидаги болтадан қаттиқ жароҳат олгани, у турмуш ўртоғининг яна унга жисмоний азоб беришидан кўриқиб, болтани олиб, унга жароҳат етказгани, суд унинг ҳаракатини ожиз аҳволдаги шасхга нисбатан содир этилгани хусусида нотўғри хулосага келгани ҳақидаги шикоятда келтирган важларини рад этиб, биринчи босқич судининг хулосасини асосли эканини ўзида акс эттиради.

Шунингдек, юқорида қайд этиб ўтилган Пленум қарорининг 12-банди 5-хатбошисида, мурдани таҳқирлаш, йўқ қилиш ёки бўлаклаб ташлаш қотилликнинг ўта шафқатсизлик билан содир этилганлигини аниқлаш ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин эмаслиги, бундай ҳаракатлар Жиноят кодексининг мурдани таҳқирлаш учун жавобгарликни назарда тутувчи 134-моддаси билан қўшимча квалификация қилиниши лозимлиги тўғрисида судларга раҳбарий тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази Навоий филиали Навбахор туман суд тиббий экспертиза бўлинмасининг 2021 йил 11 сентябрдаги 33-сонли хулосасида “Мурда танасида аниқланган, яъни “кўкрак қафаси, қорин девори, қов соҳалари, жинсий олат, ёрғоқ халтасидаги, иккала оёқ сон ички юзалари, чап оёқ тизза бўғими орқа юзаси ва болдирини орқа соҳаларидаги алангадан куйиши” каби тан жароҳатлари шу соҳаларга ўлимдан кейин юқори ҳароратли аланга таъсирида етказилган”лиги;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг 2021 йил 8 сентябрдаги 162-сонли суд ёнғин-техникавий экспертизаси хулосасида



“вентилятор”нинг электр симларида қисқа туташув аломатлари мавжуд эмаслиги;

- суд кимёвий экспертизанинг хулосасига кўра, ёнғин содир бўлган уйда энгил алангаланувчи ёнувчи суюқликларнинг излари топилмаганлиги ва суриштирув ҳаракатлари жараёнида судланувчи Ф.Шарипованинг эғнидаги кўйлагининг чўнтагидан гугурт топилгани, судланувчи Ф.Шарипованинг мурдани ёқиб юбормагани ва биринчи босқич суди томонидан ҳаракати ЖКнинг 134-моддаси нотўғри квалификация қилингани ҳақида шикоятда келтирилган ва жини рад этади.

Иш ҳолатлари бўйича, Ф.Шарипова марҳум турмуш ўртоғини қасддан ўлдирганидан сўнг, содир этилган жиноят изларини яшириш, мурдани йўқ қилиш ва ушбу ҳолатга бахтсиз ҳодиса сифатида тус бериш мақсадида марҳум Б.Шариповнинг мурдасини ёқиб юбориб, яшаш уйдан чиқиб кетган.

Сўнгра, марҳум Б.Шариповнинг отаси унинг уйига келиб қолиши ва ёнғин ўчирилиши натижасида, хонадондаги юзага келиши мумкин бўлган катта ёнғиннинг олди олинган. Агарда ёнғиннинг олди ўз вақтида олинмаганида нафақат фуқаро Ҳ.Шариповга тегишли хонадон, балки унга туташ бино ёки уй-жойлар ҳам ёнғиндан катта талофат олган бўлар эди.

Шу боис, судлов ҳайъати, биринчи босқич суди томонидан [REDACTED] [REDACTED] ҳаракати ЖКнинг 25, 173-моддаси 2-қисми “в”, “ж” бандлари билан нотўғри квалификация қилингани ҳақидаги шикоятда келтирилган ва жини рад этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси тўртинчи хатбошисида, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмаслиги ҳамда мазкур модданинг олтинчи хатбошисида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 27-банди олтинчи хатбошисида, узоқ муддатли (йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга) озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо фақат икки турдаги жиноят - жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланиши мумкинлиги, бунда қонун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланишини истисно этишини ва 28-бандида ЖК 59-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ, аёлларга, шунингдек 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси максимал муддатининг учдан



икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича жазо тайинланаётган ҳоллар ҳам бундан мустасно эмаслиги қайд этилган.

Бироқ, биринчи босқич суди юқорида қайд этиб ўтилган Қонун талаби ва Пленум қарорининг кўрсатмаларига амал қилмасдан, судланувчи Ф.Шариповага ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди ҳамда ЖКнинг 59-моддаси тартибида ЖКнинг 50-моддаси 6-қисмида назарда тутилган энг кўп жазодан ҳам кўпроқ жазо тайинлаб хатоликка йўл қўйган.

Бундай ҳолда, суд ҳукмини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 22, 23-бандларида, суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормалари нотўғри қўлланилган бўлиб, бироқ, апелляция инстанцияси суди, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда бу хатони маҳкумнинг аҳолини оғирлаштирмаган ҳолда миқдорини ўзгартиришга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати, биринчи босқич суди ҳукмини ўзгартирган ҳолда, [REDACTED] шахсини, муқаддам судланмаганлигини, аёллигини, жабрланувчининг ғайриҳуқуқий ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этгани каби содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унга нисбатан у айбланаётган ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди санкциясида назарда тутилган озоликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашни ва ЖКнинг 134-моддаси, 25,173-моддаси 2-қисми “б”, “в” бандлари билан тайинланган жазоларни ўзгаришсиз қолдириб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазони қонунга мувофиқлаштиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 497<sup>13</sup>-497<sup>18</sup> 497<sup>26</sup>, 497<sup>30</sup>-497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг 2022 йил 10 январдаги [REDACTED]

97-моддаси 2-қисми “”в” билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 11 (ўн бир) йил озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

134-моддаси ва 25,173-моддаси 2-қисми “б” “в” бандлари билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, 13 (ўн уч) йил 4 (тўрт) ой озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.



Протест қаноатлантирилсин, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томон, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>36</sup>, 499, 500-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

/имзо/

А.Шайдоев

Ҳайъат аъзолари:

/имзо/

М.Кадиров

/имзо/

А.Исоқов

Нусхаси аслига тўғри,

Маърузачи судья :

А.Шайдоев

